



КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ВА ЧИЛПИШ МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚ ХОЛДА ҒЎЗА НАВЛАРИДА ҚУРУҚ МОДДА ТЎПЛАНИШИ

Алланазаров Султонбек Рейпназарович¹

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий
тадқиқот институте катта илмий ходими, қ.х.ф.ф.д*

Рустамов Самандар Ниятқобил оғли²

Рустамова Динора Эржигит қизи²

Сатторова Маҳлиё Баходир қизи²

Тошкент давлат аграр унверситети талабаси

Аннотация: Мақолада кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда турли ғўза навларида куруқ модда тўпланишининг ўзгариши ўрганилган. Тадқиқотлар ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкасида амалга оширилиб, дала тажрибалари стандарт услубиятлар асосида олиб борилган. Олинган натижаларга кўра, кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва умумий ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланган. Ҳаддан зиёд сийрак ёки жуда қалин кўчат қолдириш ҳосилдорликка салбий таъсир этган. Оптимал қалинлик (100–110 минг туп/га) шароитида куриқ модда миқдори юқори бўлиб, ғўзанинг фотосинтетик фаоллиги ва ҳосил элементлари мос даражада шаклланган. Тадқиқот натижалари ғўза етиштиришда агротехник тадбирларни оптималлаштириш ва ҳосилдорликни оширишга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Ғўза, кўчат қалинлиги, чилпиш муддати, куруқ модда, нав, ҳосилдорлик, фотосинтез, ресурс тежамкор технология.

Кириш. Маълумки, пахта тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларини



хомашё билан таъминлайдиган техник экинлар сирасига киради. Текстил маҳсулотларини экспортбоп қилиб чиқариш учун ўзимизда етиштирилаётган ғўза парваришига, айниқса тола сифати ва ҳосилдорликни оширишга жиддий эътибор бериш зарур. Бунинг учун бугунги кунда экилиб келинаётган ғўза навларидан тола сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги юқори бўлган, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, ҳосилни механизмда териб олишга мос бўлган навларни танлаб олиш ва уларни кенгайтириш зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда пахтачиликнинг аҳамияти катта бўлиб, ғўзани парваришlashда ресурстежамкор технологияларини қўллаш, ер-сув ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган арзон ва юқори сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли илғор илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиб, пахта ер-майдонларининг ҳар бир гектаридан олинадиган ҳосилнинг миқдорини ошириш орқали ялпи даромад миқдорини ҳам оширишга катта аҳамият бериш лозим.

Кейинги йилларда дунёда пахта чигитидан олинаётган ёғ ва бошқа кўпгина маҳсулотларига талаб ортмоқда. Шу боис, пахтачиликни ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор берилиб, соҳани бутгул модернизация қилишга киришилди. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда асосий майдонларга селекционер олимларимиз томонидан яратилган, толаси жаҳон бозорида харидоргир, тезпишар, турли касаллик ҳамда табиатнинг ноқулай экстримал шароитларига бардошли, серҳосил ғўза навлари жойлаштирилмоқда. Лекин, ушбу экилиб келинаётган ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг турли тупроқ иқлим шароитларига мос бўлган агротехникасини ишлаб чиқиш тўлилигича ўз ечимини топаётгани йўқ.



Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиши ва ривожланиш шароитига, бинобарин ҳосилдорликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, кўчат сийрак бўлса айрим ғўза туплари бақувват бўлиб ривожланади ва уларнинг ҳар биридан кўплаб ҳосил тўпланади, лекин гектаридан олинadиган умумий ҳосил кам бўлади. Аксинча, кўчат қалин бўлса ғўзанинг ўсиб ривожланиши маълум даражада сусаяди ва бу ҳосилдорликка бироз салбий таъсир этади, лекин гектаридан олинadиган ялпи ҳосил миқдори ошади. Бироқ кўчат ҳаддан ташқари қалин бўлса ҳосилдолик кескин камайиб кетади [1; 139 б.]

Тадқиқотлар ўтказиш услуби ва усули: Дала тажрибалари ПСУЕАИТИ нинг Марказий тажриба участкаси, далаларида кичик бўлинмаларда олиб борилди.

Дала тажрибалари институтда қабул қилинган «Методика проведения полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1973, 1981), «Методика полевых опытов с хлопчатником» (СоюзНИХИ, 1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда ўрганилаётган ғўза навларида кўчат қалинлиги ва чилпиш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўзанинг қуруқ модда тўплаши ҳам ўрганиб борилди.

Маълумки, ғўзада қуруқ модда тўпланиши унинг бутун вегетация даври давомида бажарилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланган. Кузатувларга қараганда ўсимлик бир грамм қуруқ модда тўплаши учун 500-600 г. сув буғлантиради. Яъни, ҳар бир туп ўсимлик ўз танасига нисбатан 500-600 г. кўп сувни буғлантириши аниқланган (2; <http://arizona>).

Бизнинг олиб борган тадқиқотларимизда чилпиш тадбири ўтказилганга қадар қуруқ модда тўпланиши кўчат қалинликлари бўйича ўрганилиб чиқилди. Тошкент вилоятида олган маълумотлар қисқача тўхталиб ўтсак.



Олинган маълумотлар **3.4.1-жадвалда** ва 12-расм тўлиқ келтирилиб, қолган минтақаларда олинган натижалар **8-иловаларда** ўз аксини топган.

Андоза С-6524 ғўза навининг қуруқ модда тўплаши ёз фаслининг 1-санасида кўчат қалинликлари бўйича ўрганилди. Бунга кўра, 1-июнда тўпланган қуруқ модда вазни, 1-фон яъни 80-90 минг туп/га кўчат қолдирилганда 9.02 г. ни ташкил этган бўлса, 100-110 минг туп/га кўчат қолдирилиб парваришланган майдонда бу кўрсаткичлар 8.81 г. ни ташкил этганлиги маълум бўлди. Шунингдек, 3-фонда яъни 120-130 минг туп/га кўчат қолдирилган майдонда бу кўрсаткич 8.53 г. га тенг бўлганлиги аниқланди.

3.4.1-жадвал

Ғўза навларида қуруқ модда тўпланиши, (г.), (2020 Тошкент)

Т/р	Кўчат қалинлиги	-июнь	1-июль	1-август	Пишиш				
					поя	барг	чаноқ	Пахта	Жам и
С-6524 ғўза нави									
1	80-90	9,02	73,5	208,7 6	63,9	72,5	32,9	104,3	273,6
2	100-110	8,81	70,9	176,4 8	73,2	76,0	42,4	90,2	281,8
3	120-130	8,53	51,3	161,5 5	60,3	73,5	38,0	95,3	267,1
С-6560 ғўза нави									
4	80-90	11,76	100,7	271,9 1	104, 6	119,0	73,4	203,1	500,0
5	100-110	11,54	96,5	231,0 8	98,8	101,3	53,6	145,0	398,7



6	120-130	11,31	74,4	187,7 4	93,4	82,7	54,4	129,0	359,5
ЎзПТИ-202 ғўза нави									
7	80-90	5,62	56,6	214,6 4	87,9	89,8	63,7	104,8	346,3
8	100-110	5,41	46,8	187,0 1	83,1	94,6	61,0	89,8	328,5
9	120-130	5,22	42,9	155,9 4	76,0	96,9	44,9	89,8	307,6

С-6524 ғўза навининг шоналаш ва гуллаш фазаларида куруқ модда тўпланиши 1-фонда (кўчат 80-90 минг туп/га) мутаносиб равишда 73,5-208,76 г. ни ташкил этган бўлса, кўчат қалинлиги гектарига 100-110 минг туп/га қолдирилиб парваришланган майдонда куруқ модда тўпланиши мос ҳолда 70,9-176,48 г. га тенг бўлганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ғўзани 120-130 минг туп/га қолдирилган майдонда шоналаш ва гуллаш фазасига келиб куруқ модда тўпланиши мутаносиб равишда 51,3-161,55 г. тенг бўлганлиги қайд этилди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, кўчат қалинлиги ортиб борган сари ўсимликда куруқ модда тўпланиши камайиб борди. Ғўзанинг пишиш даврига келганда, жами куруқ модда тўпланиши 80-90 минг туп/га қолдирилган майдонда 273,6 г. ни ташкил этган бўлса, 100-110 минг туп/га қолдирилган майдонда 281,8 г. ни ташкил этди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган фонда куруқ модда тўпланиши 80-90 ва 100-110 минг туп/га қолдирилган фонларга нисбатан 6,5-14,7 г. га кам бўлганлиги аниқланди.

Бунинг сабаби, кўчат қалин қолдирилиши натижасида ўсимликнинг озикланиш майдони ортганлиги ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги ошиши эвазига илдиз орқали олинадиган озуқа моддаларни кўпроқ вегетатив ва



генератив органларига йўналтирилади, натижада куруқ модданинг ошишига сабаб бўлади.

Ўзанинг С-6560 ва ЎзПТИ-202 навларида ҳам ушбу қонуниятлар сақланиб қолганлиги кузатилди. С-6560 ўза навида вегетация даврининг бошида яъни 3-июнь ҳолатига кўра куруқ модда тўпланиши С-6524 ва ЎзПТИ-202 ўза навларида нисбатан барча кўчат қалинликларида (80-90; 100-100; 120-130) мутаносиб равишда 2,7-2,7-2,8 ва 6,14-6,13-6,09 г. га юқори бўлганлиги билан ажралиб турди. Шунингдек, ўзанинг пишиш фазасида ҳам бу кўрсаткичлар сақланиб қолди С-6560 ўза навида 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда жами куруқ модда тўпланиши С-6524 ва ЎзПТИ-202 навларида нисбатан мос равишда 226,4-153,7 г. га кўп бўлганлиги билан изоҳланса, кўчат қалинлиги 100-110 минг туп/га қолдирилган майдонда 116,9-70,2 г. га кўп бўлганлиги кўзатилди. Шунингдек, кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган С-6560 ўза навида жами куруқ модда тўпланиши С-6524 ва ЎзПТИ-202 ўза навларида нисбатан 92,4-51,9 г. кўп бўлганлиги кузатилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўразматов Н., Турсунов Т. Янги, истиқболли ўза навлари кўчат қалинлиги ва озуқа тартибларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири. «Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари». Тошкент: 2004. 139 б.
2. <http://www.aces.edu.pdf>.
3. Barotova A., Abdimitolipov A. G 'o 'za o 'simligida mahsuldorlik va hosildorlik ko 'rsatgichlari //INTERNATIONAL CONFERENCE ON ANALYSIS OF MATHEMATICS AND EXACT SCIENCES. – 2024. – Т. 1. – №. 5. – С. 80-83.
4. Nazaraliyevich, Ro'ziqulov Davlatbek. "G 'O 'ZANING ASOSIY ZARARKUNANDALARIDAN BIRI GO'ZA TUNLAMI (Helicoverpa



- armigera N) BIOEKALOGIYASI." *International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences*. 2025.
5. OSTONAQULOV T. E. SELEKSIYA VA URUG CHILIK ASOSLARI. – 2017.
 6. ХУЖАМШУКУРОВ Н., САМАДИЙ С. ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЭНДОФИТНЫХ БАКТЕРИЙ ВЫДЕЛЕННЫХ С ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ //Natural sciences.
 7. LDOSHEV H. O SIMLIK MAHSULOTLARI YETISHTIRISH TEXNOLOGIYASI. – 2013.
 8. Ganibayevna, Asatova Iroda. "RESPUBLIKAMIZDA YARATILGAN YANGI G ‘O ‘ZA NAVLARI TAXLILI." PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS 4.42 (2025): 149-151.